



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 31 июль, №156 (3268) Пайшанба



Олий Мажлисида

Матбуот ва радио-телевидение хабарларидан маълумки, жорий йилнинг 29 августида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ўз иштини бошлади. Шу муносабат билан анжуманга пухта ҳозирлик кўриш ва уни ҳар доимгидек муваффақиятли ўтказиш бўйича депутатлардан иборат алоҳида ишчи гуруҳ тузилди. Кеча мазкур ишчи гуруҳнинг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Уни гуруҳ раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Борис Бугров бошқарди.


## ИШЧИ ГУРУҲ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда бўлган анжуман юртимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини Юрбошимиз томонидан Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида илгари сурилган дастурга мувофиқ шакллантиришда катта аҳамият касб этгани алоҳида таъкидланди. Яна бир эътиборли жиҳати — навбатдаги сессия мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллик байрами арафасида чақирилди. Бу таянчга асосланган ижтимоий-сиёсий, ташкилий-техникавий жиҳатдан, мухта-сар қилиб айтганда, ҳар томонлама юксак савияда йўлга қўйилган, ишчи гуруҳ ишчи самарали ташкил қилини тақозо этади. Шунга қўра, унинг таркибида бўлажак анжуманга тарафдор бўлиш ва ўтказилишини турли йўналишлари бўйича унча кичик гуруҳ тузилди. Чунончи, Қонуночилик ва суд-ҳуқуқ масалалари

қўмитасининг раиси Нурдинжон Исmoilов бошчилигидаги кичик гуруҳга сессия кун тартиби юзасидан тақлифлар тайёрлаш, муҳокамага қўйилаётган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларнинг депутатларга вақтида етказилишини таъминлаш, шунингдек, тушган тақлифлару фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш вазифаси топширилди. Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси раиси Мирқамол Мир-олимов раҳбарлик қилаётган гуруҳ зиммасига анжуманга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказишни оммавий ахборот воситаларида тезкор равишда изчил ёритиб борилишини, журналистлар аккредитация қилинишини, парламент йиғилиши ўтказиладиган залдаги "Рада-Мажлис" овоз бериш электрон тизимининг аниқ ишлашини таъминлаш юмушлари юклатилди. Са-ноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси

раиси Изидор Кочмарик бошқарадиган гуруҳ эса сессияга келган депутатларга иш шартнослари яратилиш, уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, машаратнинг рисоладигидек ўтиши учун зарур бошқа барча хизматларни ташкил этиш билан машғул бўлади. Ишчи гуруҳ йиғилишида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини сифатли тайёрлаб, депутатларга кечиктирмасдан етказиб бериш, киритилган тақлифларни атироғича ўрганиб, ҳисобга олиш каби тадбирлар самарадорлигини ошириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди. Анжуманга тарафдор ҳамда сессия ишчи оммавий ахборот воситаларида кенг ва батафсил ёритиш тадбирларидан парламент депутатлари бирлашмалари фаол қатнашишлари муҳимлиги уқтириб ўтилди.

Абдуноби ҲАЙДАРОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.



Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига

## МАМЛАКАТИМИЗ ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ РИВОЖЛАНИШДА

Мамлакатимиз Осиёни Европа билан боғлаб турувчи муҳим стратегик аҳамиятга молик минтақада жойлашган. Шу боис истиқлолнинг илк кунларидан коммуникация ва транспорт, жумладан, темир йўл соҳасининг жадал ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётди. Бу ҳужжатларда темир йўл бошқаруш тизимини янада такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларини жадаллик билан ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали республикамиз халқ ҳўжалигини, аҳолининг темир йўл транспорти хизматига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга қаратилган. Компания матбуот хизматидан хабар қилишларича, шу йилнинг биринчи ярмида 22 миллион тоннадан ортиқ халқ ҳўжалиги юклари жўнатилади. 7,6 миллион йўловчи ташидил. Йўловчи ташини ҳамини ошириш учун Тошкент-Самарқанд йўналишида теззор электр поезллари, Андижон-Саратов ва Тошкент-Харьков йўналишида халқор йўловчи ташини поезллари қатнови йўлга қўйилди.

Бугунги кунда компанияда янги темир йўллари қуриш, мавжуд локомотив ва вагонлар паркинни замонавийлаштириш, янги электровозлар сотиб олишга, Ченгели-Самарқанд ва Самарқанд-Хўжавад йўналишида темир йўллари қайта тавмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида темир йўл транспорти тизимини янада ривожлантириш мақсадида компания маблағи ҳисобидан улкан иншоот — Тош-соқа посёлкиси яқинида Амударё устидан автомобиль ва темир йўл кўприги қурилмоқда.

2003 йил 24 январда Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимизда яхлит темир йўл тизимини барпо этиш, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини иқтисодий ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ер ости ва ер усти бойликлари йўлга қўйиш, республикамиз жанубий минтақаларининг ижтимоий инфратузилмасини янада тараққий эттириш мақсадида Фузор-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида қарор қабул қилганди.

Ҳозир ана шу қарорни ҳаётга изчил таъбиқ этиш ишлари амалга оширилятир. 2003 йилнинг олти ойида Фузор-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линиясида тўрт миллиард сўмликдан кўпроқ иш бажарилди. Жумладан, давлат бюджетидан бир миллиард сўм маблағ тўлиқ ўзлаштирилди.

Компанияда транзит юкларни ташини ҳамини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса экспорт салоҳиятининг янада юксалишига ва чет эл валютаси тушумининг кўпайишига олиб келмоқда.

## «Мафтункор ранглар жилоси»

Тошкент вилояти. "Мафтункор ранглар жилоси" республика кўрик-танловининг якуновчи босқичи бошланди. Қатор йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кўни арафасида Ўзбекистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги "Соғлом авлод учун" халқор хайрия жамғармаси, Балий академия, Республика ногиронлар жамияти, АҚШнинг "Энтраг" халқор хайрия жамғармаси билан биргаликда "Мафтункор ранглар жилоси" фестивалини ўтказиб келмоқда.

Танлов якуновчи босқичининг асосий тадбирлари Тошкент вилоятидаги Ийк ота жамоа ҳўжалигида бўлиб ўтади. Тадбир доирасида болаларнинг бағишланган халқор семинар ташкил этилади. Унда бу масала батафсил муҳокама этилади. Шунингдек, тиббий ёрдамга муҳтож болаларни шифокор-мутахассислар қўздан кечириниш, уларни ногиронлар арванчалари ва бошқа воситалар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Кўрик-танлов доирасида мамлакатимиз расмолари мўғузаси, эстрада усталари ва ёш ижроичлар концертлари ўтказилади. Назолат Усмонова, ЎЗА мухбири.

## ТЕЖАМКОРЛИК УНИ КУНДАЛИК ОДАТГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

Азал-азалдан шундай: халқимиз кичик бир йилни ўтказмоқчи бўлса, тўрт киши билан муаммони яхшилаб пилишиб, кейин кўл ўрган. Ҳар томонлама қатъий меъер ва тартибда ўтиши учун махсус одамлар ажратган. Ҳозир-чи? Баъзи ўзини кўрсатмоқчи бўлганлар тўйда пул сочиш, матракани ҳаммага айлангирчи билан ўзларига маълум метрларни белгилаётган бўлсалар, баъзилар эл-улу манфаатини, азалий қадриятларимизни фойдаланиш кўзлаб, булай метрларга оқиқасига қарши чиқмоқда. Афсуски, кейинги тоғфидан одамлар кам-кич қилаётгани боисиданми, лоқайлитимиз ва яна бошқа бир қатор иллатлар сабабми, бу борада тўлиқ ўзгаришларга эришолмаяптиз.

Ҳуломова бу саволни республика «Маҳалла» жамғармасида ўтказилган жамоатчилик вакиллари йиғилишида ўртага қатъий қўйди. "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган "Тўй поғтамни, обрўни, мажбуриятини ёки..." мақолисида айтилган масалалар ҳақиқат эканлигини таъкидлаб, тўймаърақалар миллий қадриятларимизни оёқости қилиш пайғамбига айланмаслиги учун ҳар бир фуқаро масъулигини уқтирди.

Муаммони ҳал этишда маҳалла оқсоқолларининг фаолигини қучатириш лозим, — дея ўз фикрини ҳаётини мисоллар билан изоҳлади Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси А. Гадоёбиев. Тошкент шаҳар имом хатibi Анвар хожи Кўчкор ўгли жойларда тўй эгалари билан қилинадиган муайян маслаҳатлар муаммонинг ижобий ҳал этилишига ёрдам беришини таъкидлади. Исломишунос олимлардан бири маҳалла фаоллари тежамкорлигини миллий қадри-

ят даражасига кўтаришлари лозимлигини тавсия этди. Жойларда психолог руҳшунослар фаолиятини йўлга қўйишга зарурат сезилаётгани қайд этилди. Шунингдек, бу борада давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини ошириш, матбуот ва оммавий ахборот воситалари хизматини самарали, мунтазам ташкил этиш лозимлиги айтилди.

Ошқора мулоқот тарзида ўтган мазкур йиғилишда бозорларда тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларнинг маънавий дунёси билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди. Республика «Маҳалла» жамғармаси, "Маънавият ва маърифат" кенгаши ҳамкорликда уюштирган йиғилишда олим уламолар, турли жамоат ташкилотлари ходимлари, вазирилик ва масъул идоралар вакиллари, журналистлар иштирок этдилар.

Мамлакат НОРИМУРОВА,  
"Халқ сўзи" мухбири.

## ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари билимдонлари ўртасида республика танлови эълон қилинди. Маданият ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, иккинчи бор ўтказиляётган ушбу танлов ижтимоий-сиёсий,

илмий-маърифий мавзулардаги энг яхши асарлар намуналарини кенг тарғиб ва ташвиқ этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлардан биридир. Бу эзгу ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги "Республикада китоб савдоси тизимини тако-

миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан амалга ошириляпти. Тадбирнинг якуновчи босқичи сентябрь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтади.

(ЎЗА).

## Пойтахтимизда

### СУВНИНГ ҲАР ҚАТРАСИ ЗАР

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Бехбуд БОТИРОВ). Миллий матбуот марказида АҚШнинг Халқор тараққиёт агентлиги — USAIDнинг "Марказий Осиёда табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш" дастури доирасида Халқ ташлини вазирилик қосидидаги "Биоэкоксан" ўқув-услубий маркази ҳамда бири нечта нодавлат ташкилотлар матбуот анжуманини ўтказди. — Сув ва сув манбаларидан унумли фойдаланиш бугунги кунда энг долзарб масалага айланмоқда, — деди USAIDнинг Ўзбекистондаги вакили Ж.Гогин. — Шу мақсадда жорий йилнинг 23 июлидан 10 августга қадар Ўзбекистоннинг ёзги оромгоҳларида дам олаётган мактаб ўқувчиларига сувни исроф қилмаслик ва ундан тежаб-тергаб фойдаланишнинг гоат муҳим аҳамиятини тушунтириш билан боғлиқ тадбирлар ўтказилятир. Марказий Осиёда табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш дастури уч йилга мўлжалланган. Ҳозир мазкур дастур доирасида сувни тежаш масалаларига бағишланган ҳамда сувнинг иқтисодий, экологик аҳамиятига оид қизиқарли маълумотларни қамраб олган иккита ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди. АҚШ Фанлар академиясининг маълумотлари асосида тайёрланган мазкур китоблар мактабдан ташқари машғулотлар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Телевидение ва радиода эълон қилинадиган роликлар дастурда асосий ўрин эгалляди. Мазкур фильмлар болаларнинг оби ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини янада бойитилади.

## Жойлардан хабарлар

### Маҳсулотлар харидорини топмоқда

Термиздаги "Истиқлол" савдо марказида мамлакатимиздаги энгил саноат корхоналарида тайёрланган спорт кийимлари ва анжонларнинг ёйма савдоси ташкил этилди. Бир-бириндан бежирим, ҳар қандай хориқ маҳсулотлари билан белаша оладиган маҳсулотларга харидорлар кўп бўлди. Савдо ярмаркасида Қашқадарёдаги "Санаим", "Кантекте", Хоразмдаги "Гурдан", "Феруз" каби бир неча корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳам қўйилган.

### Энди улар Харьков шахрида бўлиб ўтадиган халқор мастер-класеда иштирок этадилар.

"Она сайёрамизга тиңчилик" танлови "Соғлом авлод учун" халқор хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Балий академияси ва Украина маданият маркази сингари бир қатор ташкилотлар ҳомийлигида ташкиллангирилди.

### Ёш мусавбирлар Украинага кетишди

Ёш мусавбирлар ўртасида ўтказилган "Она сайёрамизга тиңчилик" республика танловининг беш нафар голиби Украинага жўнаб кетди.

### Огоҳлик — давр талаби

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида огоҳлик мавзусига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ҳуқуқ тартибот органи ходимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, турли жамғармалар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этган ушбу анжуманда юрт оёсингалигига масъулилик ҳақида сўз борди. Йиғилишда ҳуқуқ тартибот органи вакиллари ва маҳалла фаолларининг ҳамкорлиги масаласига алоҳида ўру берилди.

### "Халқ сўзи" назоратида

Газетамизнинг 2003 йилги 16 май сонида "Фарғонада нима танлади?" номли танқидий мақола босилган эди. Шу муносабат билан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Эгамбердиевдан расмий жавоб олдик. Унда мақолада кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонлар ҳақиқатдан ҳам борлиги

## Газетада Босилди, аммо...

ва улар "Бувайда тумани А.Навоий номи ширкат ҳўжалиги ва Бувайда, Олтинрак туман ҳокимиятлари ҳамда вилоят ҳўжалиги ва сув ҳўжалиги бошқармасида муҳокама этилиб, тегишли чоралар қўрилди", деб таъкидланганди. Биз танқидий чиқишимиз эътиборсиз қолдирилмагандан хурсанд бўлдик. Аммо... "Ҳақиқатдан ҳам рўномада таъкидлангичча, Бувайда тумани А.Навоий номи ширкат

### ТЕРМИЗ (ЎЗА мухбири Ч.ТУХТАЕВ).

Шаҳарнинг бош майдонинда сафарбарлик чақирувчи резерви хизматига чақирилган аскарлар қасамд қабул қилди.

### ЭР ЙИГИТНИНГ ҚАСАМИ

Юртимизда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунга мувофиқ чақирув етиштириб йиғилган иш ва ўқини жойидан ажратмаган ҳолда бир ойлик сафарбарлик чақирувчи резерви хизматига жабд этилмоқда. Бир ой мобайнида улар ҳарбий-ўқув машғулотида қатнашади, қасамд қабул қилади.

Бир ой давомида ҳарбийлик сир-асорларини ўрганган аскарлар майлонда саф торғди. Тантанали Термиз ҳарбий гарнизонини офицерлари, аскарларнинг ота-оналари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирок этди. Тантанали сўзга чиққанлар мамлакатимизда изчил қонунга амалга ошириляётган ҳарбий ислохотлар, соҳани янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган янги қонунлар, сафарбарлик чақирувчи резерви хизматининг ўзига хос афзалликлари ҳақида гапирди. Қасамд қабул қилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қолиров иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).





# ЯНГРАР ЯНА МАЙИН НАВОЛАР

Самарқандда яқин кунларда шарқона гўзаллик, назоқат ва нафосатла йўрилган ажиб тароналар янграйдилар. Улар жаҳоннинг не-не тилларида жаранглайдилар, қанчадан-қанча миллат ва элатлар дилларини бир-бирига боғлайди. Жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик, биродарлик туйғуларининг янада чуқурлашишига хизмат қилади.

Кейинги маълумотларга қараганда, айни пайтда дунёнинг қирққа яқин мамлакатлари ижрочи ва санъаткорлари Самарқандга ташпимокда. Бу нуфузли анжуман томошаларидан баҳра олиш истагида бўлган хорижий меҳмонларнинг рўйхатида юзлаб янги-янги номлар пайдо бўляпти. Уларни бағрикенг ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, саховатпешалиги, бой миллий мероси, санъатсеварлиги чорламади.

Шу боис Кўҳна Самарқандда «Шарқ тароналари» TV халқроқ мусиқа фестивалига тайёргарлик қизгин бормоқда. Фестивал очилган ва унинг томошалари ўтказилган жойларни таъмирлаш, ободонлаштириш, безашга биринчи гада эътибор қаратиляпти.

Эътиборлиси, ҳар бир нуфузли анжуманнинг ташкилий томонлари бир-бирини тақдорламади. Масалан, 2001 йилда бўлиб ўтган учинчи халқроқ мусиқа фестивали томошалари «Ҳосил байрами» сифатида уюштирилган. Унда саҳнанинг икки атрофи Самарқанднинг саховатли заминиди етишти-

рилган ноз-неъматлар билан безатилди. Анжуман очилиши ана шу ноз-неъматлар билан бутунлай уйғунлаштирилди. Саҳна олдида қурилган иккита тандирда ёпилган машур Самарқанд нонлари меҳмонларга улашилди.

— Бу йилги фестивалнинг ҳам олдинги анжуманлардан ажралиб турадиган жиҳатлари бўлади, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари Соҳибназар Каримов. — Буни энг аввало, «Шарқ тароналари» музейининг ташкил этилаётганида кўришимиз мумкин. Асосий тадбирлар ўтказилган Регистон майдони ақнида барпо қилинаётган «Шарқ тароналари фавораси»нинг меҳмонлар эътиборини жалб этишига шубҳа йўқ.

Дарвоқе, вилоят ҳокимлиги томонидан фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларда бажарилиши лозим бўлган бarcha ишлар аниқ-яққол ифодаланган. Унга кўра Самарқанд аэропорти, темир йўл вокзали, автошўбақат ҳамда тантанали маросимлар ўтказилган барча жойлар, марказий кўчалар халқроқ тиллардаги шiorлар билан безати-

лади. Шаҳар йўналишида қатновчи автобус ҳамда маршрутли таксиларда «Шарқ тароналари» рекламаси жойлаштирилади.

«Шарқ тароналари» иккинчи халқроқ мусиқа фестивалининг очилишида мамлакатимиз Президентидун мусиқа санъати ютуқларини намоиш этишнинг мақсади кўриқлар кўп эканлигини, лекин «Шарқ тароналари» ўзига хос ва мос бетакрор жиҳатга эга эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатан ҳам, ана шу ўзига хослик нуфузли анжуман ижрочиларининг чиқарилаётган ўз ифодасини топиляпти. Ижро этилаётган ҳар бир кўшиқ, мусиқа эъларни эъларга, дилларни дилларга боғлашга хизмат қилаяпти.

— Фестивалнинг «Энг яқин миллий кўшиқ ижрочи учун» танловини мухлисларнинг ҳаяжонисиз томоша қилиши тасаввур этиш қийин, — дейди вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Фармон Розиков. — Уни ўтказишнинг масъуляпти эса нақадан юқори. Шу боис ҳозирданок шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда танловнинг очилиш ва



ёпилиш маросимлари сценарийсини тузишга киришди. Шунингдек, гала-концерт ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиляди. Самарқанддаги бадий жамоалар, фольклор дасталари, дорбозлар вакилларининг тайёргарлик ишларидаги иштирокисини ҳам бошлаб юборилди.

Ҳар галликдек бу йил ҳам фестивал салотлари Шердор, Тиллакор, Улўбек мдрасаларидан иборат Регистон ансамблида янграйдилар. Сўнг байрам томошалари бутун шаҳарга кўчади. Яшил театр, «Мўъжиза» амфитеатри, «Ешлик» истироҳат боғи, марказий маданият ва истироҳат боғининг биринчи эстрада саҳнаси, шoirлар боғи, яқинда фойдаланишга топширилган сўлим «Сўдиёна» боғида санъат илосмандлари жаҳон халқларининг энг яқин миллий кўшиқларидан баҳраманд бўлядилар.

Фестивал томошаларининг Самарқанд, Тойлоқ, Урганч туманларида ҳам давом этиши анжуман доирасининг янада кенгайиб, халқ оmmasини қамраб олишга йўналтирилганлигини далолат беради.

Кўҳна Самарқанд бутун яна ўз аъёнларига солиқ ҳолда Шарқ мамлакатлари, Европаю Америкадан келадиган меҳмонлари — ижрочи ва санъаткорларни интиқиб кутмоқда. Фестивал билан боғлиқ ташкилий вазифалар эса мутасадди ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари зиммасига юксак масъуляпти юклямоқда.

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Болалар спортини: бадий гимнастика

## ЭПЧИЛЛИК ВА ЖОЗИБА РАМЗИ

Бадий гимнастикани нафосатли санъат дейишлари бежиз эмас. Унда эпичлик, чаққонлик, куч ва юксак маҳоратининг эмас, рақс санъатига бой жозиб ҳам мужассам.

Спортнинг бу тури Навоий вилоятида анча омалашганига мисоллар кўп. Учқудуқлик Венера Зарипова халқроқ турнирларда, Европа ва жаҳон чемпионатларида голиблик шохупасини эгаллаганлиги кўпчиликнинг эсида. Навоий шаҳрида гимнастикачилар мактабини яратган София Симорова, Зинаида Левшина, Валентина Шевченко, халқроқ спорт устаси Светлана Рожкованинг излошлари Кристина Бекбулатова, Римма Хўжаҳмедова, Жамил Раҳматова, Юля Норова, Надежда Шишкина, Юлия Стрелкина эришган ютуқлар фахрланса арзинулки. Бугунги ёшлар эса уларнинг ишларини янада ривожлантириш пайида. Қўлбараган иштиёқ алангаси шундоқ сезилиб турибди.

Айни пайтда Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Зафаробод шаҳарлари, бир қатор туман марказларида бадий гимнастика тўғрисидаги ишлаб турибди. Вилоят ҳокимлиги етакчи мутахассиси Насриддин Расулдиннинг айтишича, мингта яқин ўғил-қизлар ушбу нафис санъат билан шугулланыляпти. Малакали мураббийлар кўлида тарбияланиб, кун сайин маҳоратларини оширишмоқда.

Яқиндагина вилоят ҳокимининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг бадий гимнастика Федерациясининг вилоят бўлими ташкил этилди. Унга ҳокимлик қилишни «Қизилқуммодирметаллолтин» концернини маъмурияти ўз зиммасига олди. Машгулотлар ўтказилган махсус коналар, заллар кўпайтирилди, зарур шарт-шароитлар яратилди. Ёгуқ, малакали мутахассислар сонини оширилди.

Биз Навоий шаҳридаги «Сўдиёна» спорт саройида ёш гимнастикачиларнинг машгулот ўтказиш жараёнини кузатдик. Жажжи ўғил-қизларнинг нафис, жозибали хатти-ҳаракатлари мамлакатимиз спортини келажак ишончли кўларда эканлигига ишонтирди бизни. Уларнинг лента айлантириши, тўп, халқа ва арқон орқали маъраж бажаришдаги маҳоратларига тасаннолар айт-

дик. Ёнгил ва нозик парвозлар спорт мутахассисларининг на эмас, уларни кузатиб турган мухлислар, ота-оналарни ҳам қувонтираётганидан мамнун бўлдик.

Улар орасида ҳар бир машқ элементларини бажаришдаги аниқлик, жозиб ва куй оҳан-

боги мусобақаларида катта муваффақиятларга эришти. Кўриниб турибдики, Анастасия вилоятнинггина эмас, республикамиз фахрига айлиниб улгурган.

Ёш шубу спорт саройининг яна бир тарбияланувчиси Ульяна Трофимовани олиб қарайлик. У Бухоро шаҳрида «Соғлом авлод учун» нодавлат хайрия жамғармаси учун бўлиб ўтган II республика мусобақасида бош совринлардан бирини кўлга киритди.


— Яқинда ўн ёшга тўлман, — дейди жажжи қизалоқлардан бири Гузал Мухторова. — Бадий гимнастика жонудим. Телевизор орқали берилётган ҳар бир спорт кўрсатувини қизиқиб томоша қиламан. Гимнастикачи бўлишни оруз қилдимми, албатта, муваффақиятларга эришаман. Бунда менга мураббийларим ва онам Дилража Ражабова яқиндан ёрдам бераляпти.

Сўхбатлардан билдикки, истеъод, маҳорат, эпичликка интилиб, оруз-умидлар билан яшаётган, галабалари сонини кўпайтираётган ёшлар кўп. Буни вилоятда ўнлаб спорт усталари, усталликка номзодлар, юзлаб ёш гимнастикачилар етишиб чиққанидан ҳам билса бўлади.

— Ўзбекистонда спортга ниҳоятда катта эътибор берилляпти, — дейди устоз мураббий Валентина Шевченко, — Юртбошимизнинг ўтган йил октябрь ойида эълон қилинган «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонини ва ҳукуматимизнинг бу муҳим масала юзасидан чиқарган қарорини кўз олдимида келтирайлик. Болаларимизнинг соғ-омон улайтиши, ҳар томонлама камол топиб, муносиб ёш-йигит-қизлар бўлиб воғта етишлари учун амалга ошириляётган ишлар кўлимининг санаб чиқилиши қийин. Улар орасида бадий гимнастиканинг ўрини бўлак. Илоҳнамани, вилоятимизда болалар спортининг ушбу тури янада омалви тус олаверлади.

Абдуваҳоб ПИРАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Ўзбекистон чемпиони, халқроқ мусобақалар голиби Анастасия Берестецкая.



Ёз келиб таътил бошланиши билан болалар табиат кўйига, тоғ бағрига боришга ошмақдидилар. Уларнинг бу истақларини амалга ошириш учун юртимизда турли оромгоҳлар фаолият кўрсатмоқда. Шундай дам олиш масканларидан бири Наманган вилоятининг Поп тумани Чодак қишлоғида жойлашган бўлиб, Ўзбекистон Темирйўллари Давлат акционерлик компаниясига қарашли «Темирйўлчилар» оромгоҳидир.

### Ёз - ўтмоқда соз Темирйўлчилар оромгоҳи

Бу ерда мавсум уч босқичда ташкил этилган бўлиб, ҳар бир босқичда темирйўлчиларнинг 200 га яқин фарзанди дам олади. Уларнинг кўнглидаги-дек ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Янги таъмирланган дам олиш ва соғломлаштириш хоналари, спорт майдонлари ва чўмилиш ҳавзалари, ўйингоҳлар болалар ихтиёрига топширилган. Дам олиш билан бир вақтда уларнинг билимларини мустақамлашлари учун кутубхона ва дарсхоналар ишлаб турибди. Болаларга яратиб берилган бундай қўлайликлар уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънавий камол топишларида катта аҳамият касб этади. Шунингдек, оромгоҳда ёз бўйи бадий ҳаваскорлик, ҳунармандчилик, каштачилик каби тўғрақлар ҳам ишлаб турибди.

— Оромгоҳдаги ҳар бир машгулот менга ёқди, — дейди кўнглик мактаб ўқувчиси Мафтуна Ҳамидова. — Мен ёш таътилимни мароқли ўтказганимни дўстларимга сўзлаб бераман.

Қамол МИРЗАХАМЕДОВА, ўзМУ талабаси.

**Swiss Cooperation Office Bureau de Coopération Suisse** Tashkent

*We are seeking a qualified individual as*

**Project Officer**  
Uzbekistan Art & Culture Program

**Under the supervision of the Head of the Swiss Cooperation Office, the Project Officer is responsible for the planning, implementation and monitoring of our Art & Culture Program in Uzbekistan.**

**The ideal candidate will have:**

- Experience in project cycle management, if possible with an international cooperation project and/or agency;
- Experience in art and culture promotion, and a good knowledge of current activities and initiatives in Uzbek arts, crafts and cultural expression in general;
- Good communication and networking capacity, good negotiation skills;
- Ability to delegate tasks and to coordinate a multitude of partners and projects;
- Writing and reporting skills, good knowledge (oral and written) of Russian, Uzbek and English;
- Computer skills (Microsoft Office package)

Application letters, stating the reasons for their interest in the position, detailed CVs, and copies of relevant certificates, references etc. must be submitted before August 13, 17:00 to the

**Swiss Cooperation Office**  
15, Meva Street, 700100 Tashkent

The selection committee will inform short listed candidates not later than 29 August 2003. The Embassy of Switzerland and Swiss Cooperation Office will not respond to any communication with regard to the selection process.

**КОНДИЦИОНЕРЫ СПЛИТ - СИСТЕМЫ**

**SAMSUNG**

По вопросам приобретения кондиционеров «SAMSUNG» за наличный и безналичный расчет обращаться по тел.: 155-75-75, 103-21-51, 186-07-71.

**СВЕЖАЯ АТМОСФЕРА**

**3 года** бесплатного сервиса на сертифицированной технике

**ВНИМАНИЕ!** ГАРАНТИЯ ПРЕДОСТАВЛЯЕТСЯ ТОЛЬКО НА ТЕ КОНДИЦИОНЕРЫ «SAMSUNG», К КОТОРЫМ ПРИЛАГАЕТСЯ ОФИЦИАЛЬНЫЙ КУПОН

ПРИ ПОКУПКЕ КОНДИЦИОНЕРОВ «SAMSUNG» ТРЕБУЙТЕ У ПРОДАВЦА

**ОСТЕРЕГАЙТЕСЬ!** случаев продажи контрабандной техники, не подлежащей гарантийному обслуживанию.

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ**

кафедра мудирлари таркибидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади (2003/2004 йўқс тўққуз)

№	Кафедралар	Кафедра мудирлари
1.	Назарий механика ва материаллар қаршилиги	т.ф.д., профессор Фалсафа
2.	Фалсафа	ф.ф.д., профессор, ф.ф.н., доцент
3.	Материалшунослик	т.ф.н., доцент
4.	Педагогика ва психология	т.ф.н., доцент
5.	Жисмоний тарбия	ф.ф.н., доцент
6.	Машина қисмлари ва машина механизмлари назарияси	т.ф.д., профессор, т.ф.н., доцент
7.	Харакат ҳавфсизлигини ташкил этиш ва бошқариш	т.ф.д., профессор, т.ф.н., доцент
8.	Химмотология	т.ф.д., профессор, к.ф.н., доцент
9.	Чизма геометрия ва графика	т.ф.н., доцент
10.	Аэропорт ва аэродром	т.ф.д., профессор, т.ф.н., доцент
11.	Ўзбек ва рус тиллари	ф.ф.н., доцент
12.	Йўл қурилиш иқтисоди ва менежменти	и.ф.д., профессор
13.	Кимё	к.ф.д., профессор, к.ф.н., доцент
14.	Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси	т.ф.д., профессор, т.ф.н., доцент

Ўшбу жойда **Сизнинг** рекламатиз бўлиши мумкин эди!

**«Халқ сўзи»даги Реклама** — **бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!**

Сизни кўйидаги маълумот кутуби: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қavat, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева. Навбатчи — М. Нормуродова. Мусаҳҳих — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 20.50 1 2 3 4 5 6

**Халқ сўзи Народное слово**

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Мухаммадиев, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қашбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Газетхоналар билан алоқа ва мунтақаб бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.